

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 10-ОКТАБР, ПАЙШАНБА, 122 (8203)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

Бухоро Вилояти

ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ



БОЛГА ТЎЛГАН БОҒЛАР БАРАКАСИ

Куз фаслининг айна кезлари миришкор боғбонларимиз ҳамда соҳибкорларимизнинг меҳнатлари натижасини кўрсатадиган палладир.

Бухоролик соҳибкорлар бу йил мавжуд 6612 гектар тоқзорлардан 124 минг 700 тонна узум, боғбонлар эса 187 минг тонна мева ҳосилини саранжомлаб олишни режалаштиришган.

— Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми ёки 97 минг 700 тонна узум ва 169 минг 800 тонна мева деҳқон бозорлари ҳамда махсус савдо шохобчалари орқали вилоят аҳолисига сотилади, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Ўктам Рашидов. — Шунингдек, 25 минг тонна узум, 16 минг 200 тонна мева қайта ишлаш корхоналари томонидан қабул қилинади.

Вилоятда узум ва мевани қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йил бошида йирик иш-

лаб чиқариш корхоналаридан бири — “Шохруд” очик акциядорлик жамиятида 1 миллиард 881 миллион сўм маблағ эвазига Италия давлатидан янги технология келтириб ўрнатилган эди. Бу саъй-ҳаракат натижасида корхона томонидан айна кунгача 380 тонна ёки 550 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хорижга экспорт қилинди. Бухоро туманида фаолият кўрсатаётган “Гала Ривер” қўшма корхонаси мисолида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин.

Бухоро тумани “Соҳибкор”

қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги 42 та фермер хўжалиги ихтиёрида 342 гектар боғ ва узумзорлар мавжуд. Барча хўжаликларда етиштирилган ҳосилни терибли олиш ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

— Бу йил мевалар ҳар қачонгидан мўл, — дейди худуддаги “Чарос узум” фермер хўжалиги раҳбари Олим Сулаймонов. — Ҳосилдорлик гектарига 120-140 центнерга тўғри келяпти. Узум ва олманинг эртапишар навлари ҳосили кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

Шунингдек, вилоятда узум, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қиш ҳамда баҳор фасллари учун жамғариш мақсадида тайёрлов корхоналарида пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

СУРАТДА: “Чарос узум” фермер хўжалиги раҳбари Олим Сулаймонов ва теримчи Мухлиса Ҳасанова.

«ОБУНА — 2014»

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



«Qishloq hayoti» юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни, хусусан, қишлоқлар ҳаётини ўзида тўлиқ акс эттирган газета.

«Qishloq hayoti»га 2014 йил учун обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144



ЧИЛОНЖИЙДА — ҲАМ ОДАМ, ҲАМ ЗАМИНГА МАЛҲАМ

Мутахассисларнинг фикрича, чилонжийданинг нафақат меваси шифобахш, балки ушбу дарахт тупроқни эрозиядан сақлаш, экинларни шамолдан ихоталаш ва ернинг шўрини камайтиришда ҳам қатор хусусиятларга эга.

Катта йўл бўйида ўсиб, ҳар йили шигил-шигил мева тугадиган чилонжийданинг ҳосили бу йил ҳам мўл бўлди. Мевалари саргайиб, ранг кира бошлаган кунларданок ўтган-кетганлар териб кета бошлашди. Яқинда унинг ёнидан ўта туриб, қарасам, шохларида саноклигина мевалари қолибди. Улар ҳам баланд шохларда эди. Дарахт атрофида эса 3-4 метрлик таёқ тутган бир танишим ўша сўнги жийдаларни қоқиб олишга ҳаракат қилаётганди.

— Қон босимим кўтарилиб, тез-тез безовта бўлиб тураман, — деди у жийда қоқишдан тўхтаб. — Бир-икки коса териб олиш учун ана келаман-мана келаман, деб юриб, кечикиб қолибман. Мендан бошқа ҳам кўзга босиб юрганлар бор экан, кўриб турганингиздай, дарахтни шипшийдон қилиб кетишибди. Илгарилари ота-боболаримиз уни «Нонжийда» деб аташиб, гоҳон ўрнида истеъмол қилишган. Шу боис, чўпон-чўлиқлар ҳам доимо ёнида чилонжийда олиб юришган.

Мутахассислиги бўйича олим-агроном Шодмон Турсуновни кўп йиллардан буён биламан. Деҳқончилик билан бирга боғдорчиликка ҳам қизиқади. Чўл далаларида ўсадиган доривор гиёҳ ва буталарнинг деярли барчасини яхши билади. Унинг чилонжийда ҳақидаги билдирган фикрлари ҳам эътиборга молик.

— Абу Али ибн Синонинг ёзишича, чилонжийданинг дориворлик хусусияти катта экан, — дейди у. — Ибн Сино

ундан қон босимини тушириш, холестерин миқдорини камайтириш, ўт пуфаги, болалар ич кетиши ва бошқа хасталикларни даволашда фойдаланган экан. Шуларни ўқиб-билгандан сўнг бир килоча чилонжийда сотиб олиб, аввалига ҳўллича, кейин яна бир неча килосини ишқорланган ҳолда истеъмол қилиб, баъзи-баъзида безовта қилиб турадиган қон босимимга шифо топдим.

Маълумотларга кўра, чилонжийда унаби, нонжийда ва калонжийда деган номлар билан ҳам аталиб, дунёнинг жуда кўп давлатларида, жумладан, юртимизда ҳам қадимдан экиб келинади. Унинг ҳосили сентябрь-октябрь ойларида пишиб, таркибида 30 фоизгача қанд, 2,93 фоиз оқсил, 2 фоиздан зиёд кислота, 1,7 фоиз кул моддаси, С,Р ва А дармондорилари, дарахтининг илдиз, барг ва пўстида эса 10 фоизгача ошловчи моддалар бор. Унаби — чилонжийдадан нафақат халқ табиотида, балки замонавий фармацевтикада ҳам кенг фойдаланилади. Жумладан, ундан қон томирларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун «Рутун» дориси олинади.

Манбаларда ёзилишича, чилонжийда дарахти юз йилдан ортиқ яшаб, ҳар гектар унабизордан 20 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Яхши парваришланган чилонжийданинг ҳар бир меваси 30 граммгача, баъзи ҳолларда бундан ҳам зиёд бўлади. Кўриниши кичикроқ ноксимон, роса пишганида қизғиш ва тўқ жигарранг тусга кирди. Энг муҳими, чилонжийда дарахти курғоқчиликка ҳам, совуққа ҳам чидамли. У уруғидан, қаламча орқали ва пайвандлаш йўллари билан кўпайтирилади. Мевасини янги терилган пайтда ҳўллича, қуритилган ҳамда консерваланган ҳолатда истеъмол қилиш мумкин.

— Дарахт курғоқчиликка чидамли бўлса-да, сув билан етарли таъмин-

ланган, соз тупроқли ерларга экилганда ундан янада юқори ҳосил олинади, — дейди Шодмон Турсунов. — Чунки бундай ерларни барча дарахтлар ҳам хушлайди. Кўчатидан экилганида, 50x50 сантиметр ўлчамдаги чўқур қазилиб, пайванд қилинган жой тупроққа кўмилиб кетмаслиги даркор. Бошқа кўчатлар сингари чилонжийда ниҳолларининг ҳам нимжонроқ ён новдалари олиб ташланиб, тўлишган новдалари 8-10 сантиметр қолдирилган ҳолда қирқилади. Ўзақ новданинг учи ҳам қирқиб ташланади. Бу дарахтининг ҳам ён томонга, ҳам бўйига бирдай ривожланишини таъминлайди. Навниҳол кўчатлар кўклардан тиним мавсумигача 10-12 марта сугорилса, ривож янада яхшиланади. Ҳосилга киргандан сўнг парвариш кучайтирилиб, қатъий озиклантириш режимида амал қилинса, ҳосил янада юқори ва сифатли бўлади. Бунда дарахтлар асосан маҳаллий ўғит билан озиклантирилса-да, маъданли ўғитлар ҳам жуда фойдалидир. Ҳосилга кирган дарахтлардан сифатли ва шифобахш мевалар олиш учун уларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоялаш керак. Ҳимоя чоралари эса олмасорлардаги сингари гуллаш олдида, гул тўққанидан сўнг ва дастлабки гўралар намоен бўла бошлаганида амалга оширилади.

Шу ўринда бир гап: унабизорингизда ҳосил мўл бўлиб, пишиб етилди, дейлик. Табиийки, ҳосил мўл бўлган, уни ҳўллича истеъмол қилиб тугата олмайсиз. Ана шундай пайтда тадбиркорлик билан иш юритилмаса, анчагина шифобахш неъмат бекорга исроф бўлади. Шу боис, аввало, мевалар тўлалигича жигаррангга кириб, ҳали сўлмаган ва бужмайман пайтда йиғиб-териб олиниши лозим. Ювиб, чангдан тозаланиб, ҳар бир чилонжийдага бир неча мартадан жуволдиз ёки шунга ўхшаш учли нарса ти-

қилиб, ишлов беришга тайёрланади. Сўнг бир литр сувга олти юз грамм шакар, бир чимдим лимон кислотаси ва хушбўй ҳид берувчи ванилин солиниб, қиём қилинади. Қиём мармига етиб тайёр бўлган, бироз муддат совитилиб, унга тешилган чилонжийда мевалари кўшилади ва идиш қопқоғи ёпилиб, 40-50 дақиқа атрофида паст оловда қайнатилади. Олов ўчирилгандан кейин чилонжийдали қиём бир кеча-кундуз давомида усти ёпиқлигича сақланади. Шундан сўнг мевалар шарбат ичидан човлида сузиб олиниб, қуритиш учун ёйилади. Ёйилган мевалар устига тоза дока ёки бошқа юпка мато ёпилиши, ҳар 2-3 кунда ағдариб турилиши керак. Бу ҳол ўн кунгача давом этади ва шундан сўнг мевалар қишки истеъмол учун сирли идиш ёки целлофан пакетларга солиниб, музлаткичнинг пасти бўлмасида сақланади. Сақлаш муддати икки-уч ойга чўзилса-да, мевалар айнимайди. Сифатини ҳам йўқотмайди. Бундай меваларни нафақат шифо мақсадида, балки вужудни тетиклаштирувчи, иммунитетни мустаҳкамловчи восита сифатида мунтазам истеъмол қилиш жуда фойдалидир. Юқорида айтилган хасталикларни даволашда-ку бебаҳо.

Сухбатимиз давомида аёнлашдики, чилонжийда дарахти нафақат инсон организми учун фойдали бўлган шифобахш мевалари, балки тупроқни эрозиядан сақлаш, экинларни ихоталаш ва ернинг шўрини камайтириш каби хусусиятлари билан ҳам бебаҳо ўсимлик экан. Бунинг устига, у узоқ яшаб, чиройли гуллайди, кўча ва хиёбонлар кўригига кўрк кўшиб, экологияни яхшилайди. Шу боис ҳам кейинги йилларда юртимизда чилонжийда экиш ва уни кўпайтириш чоралари кўриляпти.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

«ЯШИЛ ҚЎРҒОН» — МУСТАҲКАМ ЭКОЛОГИК ҚАЛҚОН

Элликқалъа туманининг маркази Бўстон шаҳрида ҳар тупи 10 метргача кўкка бўй чўзган, 4 гектар майдонни эгаллаган ям-яшил арчазорларга қараб шундай дейишингиз табиий: инсон қўли гул. Ҳа, инсон қўли билан бир пайтлар чўл бўлган ҳудуд бўстонга айланди. Қадимий Гулдурсинқалъадан Тупроққалъагача бўлган ҳудудда бир неча ўн минглаб гектар кўриқ ерлар ўзлаштирилди. Кўплаб жойларда «яшил қўрғон» — арчазорлар барпо этилди. Энг муҳими, арча кўчатлари шу ерда етиштирилмоқда.

Элликқалъа тумани ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси Парахат Примбетовнинг таъкидлашича, айна пайтда у ерда кўпайтирилган арча кўчатлари энг олис ҳудудлардан саналган Қирққиз, Қизилқум овулларигача етказиб берилмоқда. Натижада далалар, ариқ ва каналлар бўйида жойлашган 20 гектардаги арчалар кўнгилдагидек ривожланиб, кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. Бу эса имкон қадар экологик мувозанатни, табиий мусавволиқни сақлашга хизмат қилляпти.

— Шунинг учун бўлса керакки, арча кўчатларига бўлган буюртмалар тобора кўпаймоқда, — дейди Парахат Примбетов. — Яқинда

Беруний, Тўрткўл туманларидан ҳам буюртмалар тушди. Муҳими, мустақиллик йилларида мамлакатимизда табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаш, экологик барқарорликни таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Бизда ҳам бу борадаги ишларни амалга ошириш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд.

Ҳа, Элликқалъа туманида экологик вазиятни мўътадиллаштириш, арчазорларни кўпайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Одамларнинг меҳнаткашлигию жонқуярлигидан эса ибрат олса арзийди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИХАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот - 1
Лот 1-1. «Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани Жиноят ишлари бўйича суди ва суд ижрочилари бўлими биноси қурилиши»
Буюртмачининг бошлангич қиймати – 928 927 595 сўм (ҚҚС билан), 774 106 329 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш муддати – 8 ой.
Лот 1-2. «Бухоро шаҳридаги Бухоро вилояти Фуқаролик ишлари бўйича суди биноси ни мукамал таъмирлаш»
Буюртмачининг бошлангич қиймати – 245 030 647 сўм (ҚҚС билан), 204 192 206 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш муддати – 3 ой.
 «Бухоро шаҳридаги Бухоро вилояти Жиноят ишлари бўйича суди биноси ни мукамал таъмирлаш»
Буюртмачининг бошлан-

гич қиймати – 492 995 020 сўм (ҚҚС билан), 410 829 183 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш муддати – 3 ой.
Қурилиш ишлари Адлия органлари ва судларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.
Танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро ви-

лояти ҳудудий бошқармаси.
Манзили: Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 30-уй. Тел: (8-365) 223-54-80, факс: 223-70-77.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридан айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқа-

ролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.
 Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
 Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти

қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.
 Танлов ҳужжатлари бир тўламининг қиймати – 120 000 сўм.
 Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
 Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси га такдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.
 Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

Вниманию организаций и предприятий!

ОАИКБ «ИПАК ЙУЛИ» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект: «Строительство здание филиала ОАИКБ «Ипак йули» в г.Навои, 17 Б мкр., ул.«Меъморлар».
Стартовая стоимость заказчика: без НДС 3 769 065 470 сум, с НДС 4 522 878 563 сум.
Срок завершения строительства: 18 месяца.
Заказчик: ОАИКБ «Ипак йули».
Расположенный в: г.Ташкент ул. Абдулла Кодирий 2.
Финансирование осуществляется: за счет собственных средств ОАИКБ «Ипак йули».
Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.
 При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкур-

сных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.
 Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98
 Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, Тел: 225-49-96, 225-47-98.
Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.
 Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Вниманию организаций и предприятий!

УПРАВЛЕНИЯ ОХРАНЫ ПРИ МВД РК ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ (ТЕНДЕР)

По объекту: «Капитальный ремонт административного здания Управления охраны при МВД РК».
Срок окончания работ, установленный заказчиком – 150 дней.
 Стартовая стоимость заказчика составляет 1 252 914 102 сум с учетом НДС 1 044 095 085 сум без учета НДС.
Заказчик: Управление охраны при МВД РК расположенный по адресу: Республика Каракалпакстан, г.Нукус, 23 м/р
 Финансирование осуществляется за счет собственных средств.
 В конкурсных торгах могут участвовать отечественные и зарубежные строительные организации и фирмы, заявившие о своем намерении участвовать в конкурсных торгах на предложенных условиях;
 Участие в конкурсных торгах объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается.
 Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные

средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.
 При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организации при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.
 Для участия в торгах и приобре-

тения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга в **Каракалпакский Консалтинговый Центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве**, по адресу: г. Нукус ул. Гарезисизлик, 59 «а», тел. 770-70-02, 222-96-25 Факс: 222-74-12.
 Стоимость одного комплекта конкурсной документации - 100000 сум.
 Конкурсная документация выдается не позднее пяти дней со дня получения заявки и оплаты в установленном порядке.
 Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.
 Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу до вскрытия оферт.
 Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании «Госархитектстроя» Республики Каракалпакстан по адресу: г.Нукус, ул. Гарезисизлик, 59 «а» (4-этаж).

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.



Гарантия

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь



тел.: 99895 170-32-52

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.



Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

«Bunyodkor-Olmaliq» МЧЖ (ИНН 204979632) таъсисчиларининг рўйхати ўзгараётганлиги ва устав фонди 267 923 063 сўмдан 80 801 063 сўмгача камаётганлигини маълум қилади. Эътирозлар 30 кун ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент вил. Олмалик ш. Фарход кўч. 31-уй, тел.: +99894 679-39-72.
 Утерянный дубликат диплома В № 612952 выданный 03.02.2012 г. (рег. № 7030) Ташкентским университетом Информационных Технологий на имя Мельдешева Салима Абдурахмановича, считать недействительным.
 Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (реестр № 005863-01, 11.06.2013 й.) қайта давлат рўйхатидан ўтган «BAKALEYA LYUKS» МЧЖ (СТИР 302633817) 08.10.2013 й.даги таъсисчиларнинг 1-сонли қарорига асосан тугатилади. Давълор эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 628-74-92.
 Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (30.05.2011 й., реестр № 0109991) рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор Муслимов Дилшод Раҳимжонвичга (ИНН 447575134) тегишли гувоҳнома (Патент) ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 «BAM-BRIK-TAYYORLOV» МЧЖга нисбатан Тошкент вил. Хўжалик судининг 2012 йил 27 августдаги № 11-1235/10260-сонли иш юзасидан Хал қилув қарорига асосан юритилган тугатишга доир иш охирига етказилганлиги боис жамиятнинг бурчак штамп ва бухгалтерия ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинсин.

ООО «METAN GAZ MONTAJ» (ИНН 302407606) зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Шота Руставели, 53-В ликвидируется (протокол собрания № 4 от 9.10.2013 г.). Претензии принимаются в течении 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 124-08-49.
 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармацевтика Кенгаши томонидан фуқаро Мўминжанов Рустам Набижанович номига 31.01.2005 й.да № 4718 рақами билан берилган лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Uz CLAAS Agro» ва «Uz CLAAS Service» МЧЖларнинг меҳнат жамоалари «Uz CLAAS Service» МЧЖнинг Самарқанд вилояти филиали директори Аслиддин Тошевга падари бузуқворли **АБДУСАИД отанинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Очиқ акциядорлик тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси бош банк ходими Аслиддин Аҳмаджоновга волидаи муҳтарамаси **СОТКИНОЙ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«АСАКА» БАНК (ОАЖ)



ҚҰЙДАГИ МАҚСАДЛАРГА:

▶ Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;

▶ Оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун;

▶ Касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун

КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ.

Кредитларни «Асака» банк (ОАЖ)нинг барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.
«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59	Сирдарё вилояти филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилояти филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилояти филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-15-32	Фарғона вилояти филиали	8-373-224-72-14
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилояти филиали	8-365-223-11-15	Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34	Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилояти филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилояти филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилояти филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82	Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилояти филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтохур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилояти филиали	8-366-233-63-82	Юнусобод филиали	8-371-221-80-67
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68	Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Сурхондарё вилояти филиали	8-376-770-82-20	Жиззах вилояти филиали	8-372-226-34-90

Кўшимча маълумот
учун телефонлар:
(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ) кўп каналли ягона
«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами:
(8-371) 120-82-88.

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) – ОБОД ТУРМУШ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ХИЗМАТИДА!

Хизматлар лицензияланган.

Махсулот сертификатланган.



Қуйидаги турдаги **ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТЛАРИ**
пул кўчириш йўли билан **сотилади:**

1. Сомон, хашак боғловчи (сеновязальный).
«Прессподборщик» машиналари учун.
2. Хўжалик ишлари учун (упаковочный).

Тел: (+99893) 382-89-14, 582-57-95.

ЭЪЛОН

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агрисаноат комплекси
таркибидagi ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ,
Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ,
Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ,
Абдихабоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ,
Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама
ва
эълонлар:**

236-26-50,

233-28-04.



ISSN 2010-7021
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

**Навбатчи
муҳаррир:**

С.САЙДИСЛОМОВ

Мусахҳих:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чиқади.
Буортма Г-1014,
ҳажми 2 босма табоқ.

**Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.**

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.35
15573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг
ўзида компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5



(14 октябрь — 20 октябрь)

ҚҰЙ (21.03 — 20.04)

Ушбу ҳафтада оламшумул ютуқларга эришмасангиз-да, иш фаолиятингиз муваффақиятли кечади. Самарали битимлар тузиб, яшигинга даромад орттирасиз.

БУЗОҚ (21.04 — 20.05)

Келаётган ҳафтада рўзгор учун харидлар қилиб, хонадонингизда ўзгаришларни амалга оширасиз. Оилавий сирларингизни бошқаларга ошкор қила кўрманг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)

Катта ишлар бошида турибсиз. Барчаси сизнинг фикрингиз ва якуний қарорингизга боғлиқ. Имкониятларингизга қараб, етти ўлчаб, бир кесинг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07)

Ушбу ҳафтада касбий фаолиятингиз билан буткул банд бўласиз. Сидқидилдан қилинган меҳнатингиз самараси тез орада намоён бўлади.

АРСЛОН (23.07 — 23.08)

Бу ҳафта турли учрашув, воқеа-ҳодисаларга бой бўлади. Сизда фаолият йўналишингизни ўзгартириш фикри туғилиши мумкин. Зиммангизга ортиқча масъулият олманг.

ПАЗИЗОД (24.08 — 23.09)

Босиб ўтган йўлингизга назар солиб, эришган натижаларингизни сарҳисоб қилинг. Фаолиятингизни тўғри баҳолаб, келгуси режаларни пухтароқ тузинг.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)

Сиз ниҳоятда саҳий инсонсиз. Одамларга уларнинг эътирофи, мақтови, миннатдорчилигини кутиб эмас, беғараз қалб амри билан яхшилик қилиш лозим.

ЧАЁН (24.10 — 22.11)

Сиз хушмуомала бўлганингиз учун атрофдагилар билан тезда тил топишасиз. Агар янада ташаббус кўрсатиб, ишга ижодий ёндашсангиз лавозимингиз ошади.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)

Сизга янги ишни бошлаш арафасида ёрдам беришни ваъда қилганлар жуда кўп. Аммо бу борада ўз куч ва имкониятларингизга ишонишни маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)

Ҳаёт олдингизга бир қарашда ҳал этиб бўлмайдиган оғир вазифаларни кўяди. Сиз уздабурон, ишбилармонсиз, ҳар қандай вазиятда ҳам голиб чиқасиз.

ҚОВҒА (21.01 — 20.02)

Сиз катта миқдордаги молиявий маблағларни оқилона бошқара оласиз. Буқилмас ирода, ўткир ақл соҳибсиз. Шу боис, атрофдагиларнинг сизга ҳурмати баланд.

БАЛИҚ (21.02 — 20.03)

Зарарли одатларни тарқ этиш ҳаракатига тушинг. Йўқса, бу одатлар соғлигингизга жиддий зарар келтириши мумкин. Гап нимадалигини англагандирсиз, албатта.